

Сабрнинг давоси | Тазкия дарслари (288-дарс)



ТАЗКИЯ
288-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

15:05 / 30.06.2024 2196

Сабр қилиш қийин ва машаққатли бўлса ҳам, илм ва амал қоришмасидан унинг маъжунини тайёрласа бўлади. Зотан, қалбнинг барча хасталикларига худди шу икки нарса – илм ва амал қоришмасидан даво тайёрланади. Аммо ҳар бир беморлик учун алоҳида илм ва алоҳида амал керак.

Сабр турли қисмларга бўлингани каби уни ман қилувчи иллатлар ҳам турли-тумандир. Иллатнинг турига қараб иложнинг тури ҳам ўзгаради.

Бу ишни батафсил баён қилиш чўзилиб кетишини эътиборга олиб, қисқа бир мисол билан кифояланамиз.

Дейлик, бировнинг жинсий шаҳвати ғолиб келиб, сабр қилишга эҳтиёжи тушиб қолди. Фаржини зинодан тийишга қийналмоқда ёки фаржини тийса ҳам, кўзини тия олмаяпти. Кўзини тийса ҳам, қалбини ва нафсини тия олмаяпти. Нафси шаҳватга оид нарсаларни эсига солиб, уни зикр, фикр ва солиҳ амаллардан қолдирмоқда.

Сабрнинг ўзи диний малаканинг ҳавойи нафс билан курашидан иборат эканини яхши биламиз. Икки курашчидан қай бири ғолиб келишини истасак, ўшани қувватлаб, қарши тарафни заифлаштиришга ҳаракат қилишимиз лозим бўлади. Демак, диний омилни қувватлашга ва ҳавойи

нафсни кучсизлантиришга уринишимиз шарт.

Диний омилни қувватлаш икки хил йўл билан бўлади:

Биринчиси – мазкур одамни ҳавойи нафсга қарши курашишнинг бу дунё ва охиратдаги фойда ва самараларидан умидвор қилиш. Бу унга сабрнинг фазлини ва унинг оқибати икки дунёда яхшилик эканини яхшилаб англатиш билан бўлади.

Бу услуб маърифий малака бўлиб, иймонга боғлиқ бўлади ва гоҳида кучланиб, гоҳида заифлашиб туради. У кучланганда диний омил ҳам кучланади ва заифлаганда диний омил ҳам заифлашади.

Иккинчиси – диний малакани ҳавойи нафсга қарши курашишга одатлантириш йўли. Бир нарсани кўп такрорлаш туфайли кишида ўша ишни адо этишга қувват ва маҳорат ортиб боради. Такрорлаб турмаганларда қувват ҳам, маҳорат ҳам бўлмайди. Юк ташувчи ва деҳқонларнинг жисмоний тарафдан аттор ва ўқитувчилардан кучли бўлишлари ҳам шундан.

Бу ишда кучли бўлиш учун икки хил ишни амалга қўйиш керак. Аввало адо этиладиган фазилатли ишнинг ортидан келадиган яхшиликларни такрор ва такрор эслатиб, ваъдаларни бериб туриш лозим.

Қолаверса, болаларни ёшлиқдан ҳавойи нафсга, шаҳватга қарши курашиш руҳида атрофлича тарбиялаб, ўстириш лозим.

Жинсий шаҳватни заифлаштириш уч хил йўл билан амалга оширилади:

1. Аввало шаҳватни кучлантирувчи озиқ-овқат маҳсулотларига назар солиб, уларнинг турлари ва миқдори ўрганилади. Кейин даволанаётган одамга рўза тутиш, ифтор вақтида мазкур шаҳватни кучайтирувчи таомларни тановул қилмаслик тавсия этилади.
2. Жинсий шаҳватнинг қўзишига сабаб бўладиган омиллар йўқотилади. Мисол учун, шаҳватни қўзғатадиган нарсаларга назар солишнинг йўли тўсилади.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

فُرُوجَهُمْ وَيَحْفَظُوا أَبْصَارَهُمْ مِّنْ يَّغُضُّوْنَ لِلْمُؤْمِنِينَ قُلْ

لِّلْمُؤْمِنَاتِ وَقُلْ ﴿٣٠﴾ يَصْنَعُونَ بِمَا خَيْرُ مَا اللَّهُ إِنَّ لَهُمْ أَزْكَىٰ ذَٰلِكَ

فُرُوجَهُنَّ وَيَحْفَظْنَ أَبْصَارَهُنَّ مِّنْ يَّغْضُضْنَ

«Мўминларга айт, кўзларини тийсинлар ва фаржларини сақласинлар. Ана шу улар учун покдир. Албатта, Аллоҳ нима ҳунар қилаётганларидан ўта хабардордир. Мўминаларга айт: «Кўзларини тийсинлар, фаржларини сақласинлар» (Нур сураси, 30-31-оятлар).

هُنَّ عُلَّالٌ لِّأَيْضَرَ فِي دُحْنٍ نَّع
يَلَّصْنَ لِّلْأُلُوسِ رَلَّاقٍ لَّاقٍ
رُظَّنَّ لَّا «: مَلَّسَ وَهِيَ لَعُّهُ لَلَّا
سَيَلُّبِإِمَاهِسُ نَمُّ مَّهَسُ
نَمَّ أَهَكَرَتْ نَمَفُ، مَّوْمَسَم

زَعَوْ لَجُّهُ بَأْتِ اِهْلِلِ اِفْوَح
يْفُهُتْ وَا لِحُّ دِجِي اِنَامِي اِ
مُكَا اِحْلَا اِهْجَزْ اُ . « اِهْبَلَق
يِن اَرْبَطْل اُو

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Назар иблиснинг заҳарланган ўқларидан биридир. Бас, ким уни Аллоҳдан қўрқиб тарк қилса, У Зот аzza ва жалла уни қалбида ҳаловатини топадиган иймон ила мукофотлайди», дедилар».

Табароний ва Ҳоким ривоят қилган.

3. Энг яхшиси – шаҳватни ҳалол йўл билан, никоҳ йўли билан қондиришга шароит яратишдир.

Сабрга муҳтож бўлинадиган бошқа ҳолатларда ҳам шунга ўхшаш иш тугилади. Ҳар бир муаммони ҳал этиш учун барча ҳалол йўлларни ишга солиб, атрофлича муолажа қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.